



International Conference of Economics, Finance and Accounting Studies

International Conference of Economics, Finance and Accounting Studies is a double-blind peer-reviewed, open-access journal published to reach excellence on the scope. It considers scholarly, research-based articles on all aspects of economics, finance and accounting. As an international congress aimed at facilitating the global exchange of education theory, contributions from different educational systems and cultures are encouraged. It aims to provide a forum for all researchers, educators, educational policy-makers and planners to exchange invaluable ideas and resources.

Тижорат Банкларида Жиноий Фаолиятдан Олинган Даромадларни Легаллаштиришга Қарши Курашиш Бўйича Ички Тартиб Қоидалар

Омонтошев Мираббосбек Ўктам угли

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура хузуридаги, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг, Зарафшон шаҳар бўлими катта инспектори, 3-даражали юрист

ABSTRACT

Республикамизда аҳолининг турмуш сифатини тубдан яхшилашга ва бизнес юритишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган институциявий механизмлар такомиллаштирилиши натижасида мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини ошмоқда.

Аҳолининг реал даромадларини 2023 йилда 4,6 фоизга ўсишига эришилди. Реал даромадларнинг ижобий динамикаси ялпи талабни қўллаб-қувватловчи асосий драйверларидан бўлиб қолмоқда. []

Бу ўз навбатида, банк тизимига қўшимча маблағларни кириб келишига ва аҳолининг депозитлар динамикасини ўсувчи суръатларини ошиб боришига ҳам замин яратади.

Бирок, замонавий шароитда ноқонуний даромадларни легаллаштиришда банк хизматларидан фойдаланиш ҳолатлари ҳам кўпайиб бормоқда. Банк тизимларидан жиноий йўллар билан олинган даромадларни легаллаштириш, каби ноқонуний мақсадларда фойдаланишнинг асосий омили бўлиб банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий воситачилик хизматларининг кўламининг кенглиги ҳисобланади.

Шунинг учун, тижорат банкларида мижозлар ҳақида олинаётган ахборотларни самарали таҳлил қилишда назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш, жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга дахлдор операцияларни ўз вақтида аниқлаш, банкнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, банк ресурсларидан рационал фойдаланишга эришиш муҳим ҳисобланади.


Мамлакатимизда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги 660-ІІ-сонли «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий

қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни[1] қабул қилинган.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ўтказилиши тартиби белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Фармони” қабул қилиниб унга кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти[2] ташкил қилинган.

Ўзбекистонда тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари тасдиқланган.[3]



1-расм. Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича ички тартиб қоидалар¹

Мамлакатнинг миллий хавфсизлигига пул ювиш билан боғлиқ жиноятлар катта таҳдид солади. Жиноятчилик даражасининг юқорилиги мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўсига салбий таъсир кўрсатади.

Жиноятчилик даражасининг ошиши давлатнинг ушбу ҳодисага қарши курашиш заруратини ошириб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини молиялаштириш харажатларини кўпайтиришга олиб келади, бу эса ўз навбатида давлат томонидан молиялаштириладиган бошқа соҳаларга салбий таъсир кўрсатади.

Давлат инвестиция лойиҳаларини тўғри қўллаб-қувватлашни тўхтатади, бу ялпи ички маҳсулот ўсишининг секинлашишига, бюджет тақчиллигига таъсир қилади, иқтисодий вазиятни нотўғри баҳолаш туфайли бюджет ва пул-кредит сиёсатидаги хатолар юзага келиши эҳтимолини оширади.

Шунинг учун ҳам пул ювиш, ҳатто бир давлатнинг миллий иқтисодиёти доирасида содир

¹ Расм Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган. https://cbu.uz/oz/press_center/presentations/418716/

этилган бўлса ҳам, халқаро жиноят ҳисобланади. Шундай қилиб, банк тизимини жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш жараёнига жалб қилиш хавфини камайтириш учун комплекс ёндашув талаб этилади. Тегишли текширувдан ўтмаган ва ишончсиз миқдорни қабул қиладиган ёки унга хизмат кўрсатадиган ҳар қандай ташкилот жиноий схемага қўшилиб қолади ва бу билан қонунга мувофиқ фаолият юритаётган миқдорларнинг чиқиб кетиши каби салбий оқибатларга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида Қонуни. ЎРҚ-660-II-сон 26.08.2004 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Фармони. 2018 йил 28 май.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг “Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида” 2886 сонли Қарори
4. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Қонуни. ЎРҚ-516-сон 15.01.2019 йил
5. https://cbu.uz/oz/press_center/reports/1576218/